

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

РАСУЛОВ ЎТКИР ИЛАШОВИЧ

**РЕСПУБЛИКАНИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДА
ПИРОПЛАЗМИДОЗЛАРНИНГ ЭПИЗООТОЛОГИЯСИ ВА ДАВОЛАШ
ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА - ТАДБИРЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Ветеринария фанлари бўйича фан доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
по ветеринарной наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor sciences (DSc)
on veterinary sciences**

Расулов Ўткир Илашович

Республиканинг жанубий ҳудудларида пироплазмидозларнинг эпизоотологияси
ва даволаш профилактика чора - тадбирлари5

Расулов Уткир Илашович

Эпизоотология пироплазмидозов в южных регионах республики и лечебно-
профилактические мероприятия..... 27

Rasulov Utkir Pashovich

Epizootology of piroplasmidosis in the southern regions of the republic and the
development of therapeutic and preventive measures 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works52

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

РАСУЛОВ ЎТКИР ИЛАШОВИЧ

**РЕСПУБЛИКАНИНГ ЖАНУБИЙ ХУДУДЛАРИДА
ПИРОПЛАЗМИДОЗЛАРНИНГ ЭПИЗООТОЛОГИЯСИ ВА ДАВОЛАШ
ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА -ТАДБИРЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг кўпгина тропик мамлакатларида 750 млн. бошдан кўпроқ қорамоллар бабезиоз ва пироплазмоз, 350 млн. бошдан зиёд қорамоллар эса тейлериоз билан касалланиши кузатилади. Ҳайвонлар касалликларини ўрганувчи ҳалқаро илмий-тадқиқот лабораториясининг ҳисоботида кўра, Шарқий, Марказий ва Жанубий Африка мамлакатларида йилига 1,5 млн. бошдан кўпроқ қорамол тейлериоздан нобуд бўлиб, касалликдан келаётган иқтисодий зарар 220 млн. АҚШ долларини ташкил қилган¹. Ҳозирги вақтда чорвачилик соҳаси ривожланган кўпгина мамлакатларда мазкур касалликларнинг эпизоотологиясини аниқлаш, замонавий даволаш ва олдини олишнинг такомиллашган усулларини ишлаб чиқиш долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.

Дунёнинг кўпчилиги минтақаларида қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида паразитар касалликларининг тарқалиши, даволаш ва қарши курашишнинг оптимал муддатларини ишлаб чиқиш ва уларни профилактика қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса қорамоллар протозой касалликларини даволаш ва олдини олиш борасида олиб борилаётган тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Қорамолларда пироплазмидоз касалликларини тарқатувчи каналар ареали (турлари) ни аниқлаш, касаллик кўзғатувчи паразитларнинг патогенлик хусусияти, мавсумий динамикаси ҳамда уларга қарши курашишнинг илмий асосланган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда мустақиллик йилларида чорвачиликни жадал ривожлантириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида чорва моллари бош сонининг ва маҳсулдорлигининг кўпайиши, хусусан турли хилдаги юқумли, юқумсиз ва инвазион касалликларнинг олдини олишга эришилди. Шунингдек, мамлакатимизга четдан олиб келинаётган зотли, наслдор қорамолларни протозой касалликларга қарши даволаш ва профилактика чора-тадбирларига қаратилган изланишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² «.....қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш орқали ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш муҳим вазифа қилиб белгиланган». Бу борада қорамолларнинг протозой касалликларига қарши курашишнинг услуб ва воситаларини ишлаб чиқиш, айниқса маҳаллий воситалар асосида ушбу касалликларга қарши замонавий препарат ва воситаларни яратиш, ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

¹ Заблочкий В.Т. Основные итоги и перспективы научных исследований //Вест. ветеринарии. Россия 2012-С. 13-17.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4947-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги янги тахрирдаги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4254-сон ва 2020 йил 29 январдаги «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4576-сонли қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. Қорамолларнинг пироплазмидозлари бўйича илмий тадқиқот изланишлари дунёнинг кўпгина илмий марказлари ва олий таълим муассаларида ва илмий тадқиқот институтларида, жумладан: University of Michigan Animal Diversity Web (АҚШ), Laboratory for Medical Microbiology (Голландия), Department of Pathology, Bacteriology and Poultry Diseases, Faculty of Veterinary Medicine (Германия), University of Veterinary and Pharmaceutical Sciences (Чехия), Бутунроссия экспериментал ветеринария институти (Россия), Ветеринария илмий тадқиқот институтларида (Қаз ВИТИ, ЎзВИТИ) олиб борилмоқда.

Қорамоллар паразитар касалликлари етказадиган зарар ва уларга қарши кураш чора-тадбирларининг самарадорлигини аниқлашга оид дунёда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қўйидаги илмий натижалар олинган: чорва моллари ва паррандалар орасида кенг тарқалган ва турли даражада зарар етказадиган паразитозлар аниқланган (University of Michigan Animal Diversity Web), чорва моллари организмида учрайдиган турли паразитар касалликларни аниқ ташхислаш, даволаш ва организмида кечаётган морфологик, биокимёвий, иммунобиологик жараёнлар таҳлил қилинган (Laboratory for Medical Microbiology, Department of Pathology, Bacteriology and Poultry Diseases, Faculty of Veterinary Medicine); чорва молларининг асосий гельминтоз ва паразитозларини даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари ишлаб чиқилган (University of Veterinary and Pharmaceutical Sciences); қорамоллар тейлериозига қарши суяқ культурал вакцина ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (БЭВИ, Россия); қорамоллар пироплазмидозларини замонавий усуллар ёрдамида даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган (ЎзВИТИ). Бугунги кунда дунёда қорамолларнинг протозой касалликларини даволаш ва профилактика қилишда қўйидаги устувор йўналишлар олиб борилмоқда: паразитар касалликларнинг ривожланиш механизмини аниқлаш,

¹ www.umich.edu; www.wur.nl; www.universities.com; www.tulane.edu

протозой касалликларини прогноз қилишда худуднинг биоэкологик омилларини эътиборга олган ҳолда касалликларни даволашда замонавий антипротозой препаратларни қўллаш ва касалликларнинг олдини олишда такомиллашган усулларни яратиш ҳамда кучли ва етарли даражада иммунитет берувчи эмламалар яратишга қаратилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикаимизнинг турли хил географик-иқлимли худудларида қорамолларнинг пироплазмидоз касалликларининг эпизоотик ҳолатини ўрганиш ва уларга қарши даволаш-профилактика чора-тадбирлари бўйича А.В.Богородицкий, К.А.Арифджанов, И.Х.Расулов, О.А.Орипов, Т.Х.Рахимов, Э.К.Шмунк, М.Т.Турсунов, А.Ғ.Ғафуров, Х.П.Нурмаматов, О.Ў.Қўлдошевлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Шунингдек дунё миқёсида А.А.Адлер, В.Эллендоген, Р.Бishop, Л.Коггешалл, Р.Нашеми-Фешаки, Е.Сергент, В.Шимизу, собиқ совет олимларидан А.А.Марков, И.В.Абрамов, Р.А.Колабский ва бошқ., Мустақил Давлатлар Ҳамдустилиги давлатларида Н.И.Степанова, Л.П.Дьяконов, В.Т. Заблоцкий, Н.А.Золатарев, А.А.Агаев, Л.М.Целишев, А.К.Мавсумзоде, Г.Н.Шахматов, А.Т.Шиянов, Ў.И.Карпухин, А.А.Мирзабеков ва бошқалар томонидан қорамоллар пироплазмидозларининг турли иқлим минтақаларда тарқалиш даражаси, биоморфологияси, клиник белгилари, даволаш ва олдини олиш ҳамда паразитлар ҳаётий фаоллигининг давомийлигини аниқлашнинг илмий жиҳатдан асосланган чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда ушбу ишлаб чиқилган илмий ишланмалар вақт ўтгани билан ўз мавқеини йўқотганлиги, ҳамда Республикаимизда чорвачилик соҳасида тизимнинг ўзгариши натижасида пироплазмидозларнинг хўжалик юритиш шароитига мос чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва ветеринария амалиётига жорий қилиш долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ветеринария илмий-тадқиқот институти протозоология лабораторияси илмий-тадқиқот режаси ҳамда ИИЧМ 2-Н, «Қорамолларнинг пироплазмидоз касалликларини даволаш усулларини такомиллаштириш ва профилактика қилишнинг янги технологиясини яратиш» (2006-2008 йй.), ГНТП-ҚХА-10-011, «Маҳаллий хом ашёлардан яратилган янги препаратлар асосида қорамолларнинг пироплазмидозларини даволаш-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш» (2009-2011 йй.), ҚХА-9-008, «Қорамолларнинг пироплазмидоз ва гельминтозларига қарши даволаш ва профилактика услуб ва воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш» (2012-2014 йй.), ҚХА-9-016, «Қорамолларнинг пироплазмидоз касалликларини даволаш ва олдини олиш усуллари ва омилларини такомиллаштириш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш» (2015-2017 йй.), БВ-И-ҚХ-2018-1, «Қорамолларни қон-паразитар касалликларига қарши поликарб препаратини ветеринария амалиётига жорий

қилиш» (2018-2019 йй.) мавзуларидаги илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Республикамизнинг жанубий ҳудудларида (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари кесимида) қорамоллар пироплазмидозларининг (пироплазмоз, тейлериоз, бабезиоз) эпизоотик ҳолатини аниқлаш, таҳлил қилиш, касалликларни даволаш ва профилактика қилишнинг самарали услуб ва воситаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республиканинг жанубий ҳудудларида (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари кесимида) қорамолларнинг пироплазмидоз (пироплазмоз, тейлериоз, бабезиоз) касалликларининг эпизоотик ҳолатини аниқлаш, таҳлил қилиш;

пироплазмидоз касалликларини тарқатувчи каналар фаунасини, касаллик кўзғатувчи паразитларнинг патогенлик хусусиятини ва мавсумий динамикасини аниқлаш;

пироплазмидозларни даволашда маҳаллий доривор восита - диамидин ни ишлаб чиқиш ва касалликларни даволашдаги самарадорлигини ўрганиш;

республикамизга хорижий давлатлардан олиб келинган антипротозой препаратларнинг пироплазмидозларни даволашдаги самарадорлигини экспериментал тажрибаларда ва ишлаб чиқариш шароитида аниқлаш;

пироплазмидозларни профилактика қилишда илк бор ишлаб чиқилган поликарб-Уз препаратининг самарадорлигини экспериментал тажрибаларда ва ишлаб чиқариш шароитида тадқиқ қилиш;

поликарб-Уз препаратининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти чорвачилик хўжаликлари пироплазмоз, тейлериоз, бабезиоз билан касалланган қорамоллар, касаллик тарқатувчи каналар, касаллик чақирувчи паразитлар.

Тадқиқотнинг предмети кимёвий препаратлар, пироплазмоз, тейлериоз, бабезиоз билан касалланган қорамоллар, қорамоллардан олинган қон ва қон суртмалари бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Илмий тадқиқот ишларини бажаришда эпизоотологик, клиник, гематологик, паразитологик, патологоанатомик ва статистик текшириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор республикамизнинг жанубий ҳудудларида қорамоллар пироплазмидозларининг тарқалиш даражаси аниқланган ва таҳлил қилинган;

пироплазмидоз касалликларини тарқатувчи каналарнинг фаунаси ҳамда касаллик кўзғатувчи паразитларнинг патогенлик хусусиятлари ва мавсумий динамикаси аниқланган;

пироплазмидозларни даволашда маҳаллий доривор воситаси диамидин препарати ишлаб чиқилган ва пироплазмидозларни даволашдаги самарадорлиги аниқланган;

республикамизга хорижий давлатлардан олиб келинган антипротозой препаратларнинг қорамоллар пироплазмидозларини даволашдаги самарадорлиги аниқланган;

Поликарб-Уз препаратининг пироплазмидозларни профилактика қилишда юқори самарадор восита эканлиги тажрибаларда исботланган;

қорамоллар пироплазмидозларини олдини олишда Поликарб-Уз препаратининг иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

республиканинг жанубий ҳудудларида қорамоллар пироплазмидоз касалликларининг эпизоотик ҳолати аниқланган ва таҳлил қилинган;

пироплазмидоз касалликларини тарқатувчи каналар фаунаси, касаллик қўзғатувчи паразитларнинг патогенлик хусусияти ва мавсумий динамикаси аниқланган;

пироплазмидозларни даволашда маҳаллий доривор восита - диамидин препарати ишлаб чиқилган ва пироплазмидозларни даволашдаги самарадорлиги экспериментал шароитда ўрганилган;

республикамизга хорижий давлатлардан олиб келинган антипротозой препаратларнинг пироплазмидозларни даволашдаги самарадорлиги экспериментал тажрибаларда ва ишлаб чиқариш шароитида аниқланган;

пироплазмидозларни профилактика қилишда илк бор ишлаб чиқилган поликарб-Уз препаратининг самарадорлиги экспериментал тажрибаларда ва ишлаб чиқариш шароитида тадқиқ қилинган;

поликарб-Уз препаратининг иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг мақбул услуб ва воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, паразитологик, патологоанатомик, гематологик, клиник ва статистик усуллардан фойдаланиш ҳамда бошланғич маълумотларга ишлов бериш, шунингдек олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг лаборатория ва амалиёт тажрибалари билан таққосланганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг мутахассислар томонидан тасдиқланиб, ижобий баҳоланганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чорвачиликнинг ривожланишида катта иқтисодий зарар келтираётган қорамоллар пироплазмидозларини ўзига хос хусусиятларининг таҳлили, касалликларнинг тарқалиш тенденциясини аниқлаш ва шу асосда касалликларни бартараф қилишда илмий асосланган чоратадбирларни ишлаб чиқиш, касалликларни даволаш ва олдини олишда зарур бўлган тизимларнинг назарий асосларининг яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқотлар натижасида ҳозирги вақтда қорамоллар пироплазмидозларининг ҳудудий эпизоотологик ҳолатининг кенг қамровли таҳлил қилинганлиги, касалликларга қарши курашишнинг аниқланганлиги ва доривор восита (поликарб-Уз) нинг ишлаб чиқилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республиканинг жанубий ҳудудларида пироплазмидозларнинг эпизоотологияси ва даволаш-профилактика чора тадбирлари бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Қорамолларнинг пироплазмоз ва тейлериозини даволаш усули» (№IAP 04606 Тошкент 2012 йил); «Қорамоллар пироплазмозини профилактика қилиш усули» (№IAP 04607 Тошкент 2012 йил) ишланмалари учун Интеллектуал Мулк Агентлигининг Ихтирога патентлари олинган. Бунда пироплазмидозлардан келаётган иқтисодий зарарнинг 90-95% гача олдини олишга эришилган;

«Қорамоллар қон-паразитар касалликларига қарши даволаш-профилактика чора-тадбирларининг замонавий услуб ва воситаларини қўллаш бўйича тавсиялар» ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 16 сентябр 02/23-313-сон маълумотномаси). Натижада қорамолларни ушбу касалликлардан етарли даражада сақлаб қолиш ва касалликлардан 80-90% гача соғломлаштириш имконини берган;

«Қорамолларнинг қон-паразитар касалликларига қарши курашиш тўғрисида қўлланма» тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 16 сентябр 02/23-313-сон маълумотномаси). Натижада қорамоллар қон-паразитар касалликларини даволаш ва профилактика қилиш чора-тадбирларини белгилашда илмий асос сифатида хизмат қилган;

«Қорамолларнинг пироплазмидоз касалликларига қарши ветеринария дори воситаси – Поликарб-Уз ни қўллаш бўйича йўриқнома» ветеринария амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 16 сентябр 02/23-313-сон маълумотномаси). Бунда сарфланган 1 сўм харажатга 8,9 сўм иқтисодий самара олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари Ветеринария илмий тадқиқот институтининг Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва ижобий баҳоланган. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш: 3 та монография, 2 та патент, 1 та тавсиянома, 1 та йўриқнома, 1 та қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 23 та, жумладан, 15 таси республика ва 8 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалиётга тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

«**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи боби тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи банди «Қорамолларнинг пироплазмидоз касалликларини ўрганиш ҳақида маълумотлар» деб номланиб, бунда қорамолларнинг пироплазмидозларини (пироплазмоз, тейлериоз, бабезиоз) ўрганиш тўғрисидаги хорижий ва Республикамиз илмий-тадқиқотчиларининг адабиёт манбалари таҳлил қилинган.

Иккинчи банди «Қорамоллар пироплазмидозларининг эпизоотик ҳолати» деб номланиб, унда қорамоллар пироплазмидозларининг эпизоотологик ҳолати, тарқалиш жараёни тўғрисидаги хорижий ва Республикамиз олимларининг илмий-тадқиқот ишларининг натижалари келтирилган.

Учинчи банди «Пироплазмидозларни даволаш» деб номланиб, бунда қорамоллар пироплазмидозларини даволашда илмий тадқиқотчилар томонидан олиб борилган хорижий ва Республикамиз илмий ишлари атрофича таҳлил қилинган.

Тўртинчи банди «Пироплазмидозларнинг профилактикаси» деб номланиб, унда қорамоллар пироплазмидозларининг олдини олишда баён этилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари келтирилган, адабиёт манбалари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Хусусий тадқиқотлар**» деб номланган иккинчи боби уч банддан иборат бўлиб, биринчи банди «Тадқиқот материаллари ва услублари» деб номланиб, бунда тадқиқот жойи, объекти ва услуги баён этилган. Тадқиқот жойи ва объекти қилиб ветеринария илмий-тадқиқот институтининг протозоология лабораторияси, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг, қисман Самарқанд вилоятининг чорвачилик хўжаликларига қарашли қорамоллар, пироплазмоз, тейлериоз, бабезиозни даволаш ва профилактика қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотларда эпизоотологик, клиник, паразитологик, гематологик ва статистик текшириш усулларидан фойдаланилганлиги келтирилган.

Мазкур бобнинг иккинчи банди «Қашқадарё вилоятининг турли хил географик иқлимли ҳудудларида қорамоллар пироплазмидозларининг эпизоотологияси ва мавсумий динамикаси» деб номланиб, бу бандда Қашқадарё вилояти тўғрисидаги маълумотлар адабиёт манбалари асосида таҳлил қилинган ва келтирилган.

Бундан ташқари шу бандда анамнестик, ветеринария ҳисоботи ва шахсий тадқиқот натижаларига қараганда 2016 йил давомида чўл-адир шароитидаги

иссиқ иқлимли ҳудудда жойлашган Ғузор туман «Бурхон» фермер хўжалигидаги мавжуд 130 бош қорамолдан 11 боши (8,4%) тейлериоз билан касалланганлиги, олинган 50 нусха қон суртмаларидан 8 таси (16%) тейлериалар билан зарарланганлиги, сўғориладиган иссиқ-иқлимли ҳудудда жойлашган Қамаш туман «Дўнгсанчикул» фермер хўжалигидаги мавжуд 140 бош қорамолдан 9 боши (6,4%) тейлериоз ва 6 бош (4,2%) пироплазмоз билан касалланганлиги, олинган 50 нусха қон суртмасидан 8 таси (16%), чўл ҳудудларга нисбатан салқин ва юмшоқ иқлимли тоғ этакларида жойлашган Китоб туман «Паландара» қишлоқ аҳолисини мавжуд 170 бош қорамолдан 13 боши (7,6%) тейлериоз билан ва 4 бош қорамол пироплазмоз (2,3%) билан касалланганлиги ва ушбу қорамоллардан олинган 50 нусха қон суртмаларининг 6 таси тейлериалар (12%) ва 3 таси пироплазмалар (6%) билан, Муборак туман Чархин қишлоқ аҳолисини 170 бош қорамолдан 13 боши (7,6%) тейлериоз билан ва ушбу қорамоллардан олинган 50 нусха қон суртмасини 17 (34%) тасида тейлериалар аниқланганлиги баён этилган (1-жадвал).

1-жадвал

Касаллик тарқатувчи каналар фаунаси


Т.р	Хўжалик	Текширилган қорамол сони	Терилган каналар сони	Шундан		
				<i>B.calcaratus</i> %	<i>H.anatolicum</i> %	<i>H.detrutum</i> %
1	«Паландара» аҳоли пункти	170	80	30	70	-
2	«Унумдор Замин» фермер хўжалиги	200	60	25	75	-
3	«Бурхон» фермер хўжалиги	130	72	-	80	20
4	«Чархин» аҳоли пункти	170	60	-	95	5
Жами		670	272	-	-	-

Қашқадарё вилоятининг қуруқ ва иссиқ-чўл иқлимли Ғузор ва Муборак туман ҳудудларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида тейлериоз билан касалланиш мутаносиб равишда 10–16% ни ташкил қилган бўлса, нисбатан салқин ва юмшоқ иқлимли Китоб ва Қамаш туман тоғ-олди ҳудудларида мутаносиб равишда тейлериоз билан касалланиш 12-16% ни, пироплазмоз билан касалланиш эса 4-6% ни ташкил қилиши аниқланган.

Шундай қилиб, Қашқадарё вилоятининг Ғузор ва Муборак туман ҳудудларида фақат тейлериоз, нисбатан салқин ва юмшоқ иқлимли тоғ

этакларида жойлашган Китоб ва Қамаши туман ҳудудларида эса ундан ташқари пироплазмоз ҳам тарқалганлиги аниқланди

Вилоятнинг турли хилдаги географик иқлимли ҳудудларида пироплазмознинг илк даражадаги юқори ҳолати апрел ойига (50%) тўғри келса, иккинчи энг юқори даражадаги ҳолати август ойига (60%) тўғри келиши ва тейлериознинг илк даражада юқори ҳолати июн ойига (50%) тўғри келса, иккинчи даражадаги юқори ҳолати эса июл ойига (70%) тўғри келиши аниқланган (1-расм).



1 - расм. Қорамоллар пироплазмидозларини келиб чиқиш мавсумий динамикаси

Мазкур бобнинг учинчи банди «Сурхондарё вилоятининг турли хил географик иқлимли ҳудудларида қорамоллар пироплазмидозларининг эпизоотологияси ва мавсумий динамикаси» деб номланиб, бу бандда Сурхондарё вилояти тўғрисидаги маълумотлар адабиёт манбаларига таянган ҳолда таҳлил қилинган. Сурхондарё вилоят ҳудудларида қорамолларнинг пироплазмидозлар билан касалланиш даражаси ветеринария ҳисоботи маълумотларига қараганда вилоят ҳудудларида 2016 йил давомида 0,04% ва 2017 йил давомида эса 0,02 % гача тейлериоз, ҳамда 0,5% гача пироплазмоз билан касалланганлиги маълум қилинган. Аммо, биз томонимиздан 2017 йил давомида Сурхондарё вилоятининг хар хил географик-иқлимли шароитига мансуб Шўрчи туман «Ободон» фермер хўжалигидаги мавжуд 620 бош қорамолнинг 50 бошидан олинган қон суртмасини 12 таси (24%) тейлериалар билан зарарланганлиги, Ангор туман «Орзу» фермер хўжалигидаги мавжуд 110 бош қорамолнинг 50 бошидан олинган қон суртмасини 8-таси (16%) тейлериалар ва 7-таси (14%) пироплазмалар билан зарарланганлиги, Термиз туман «Эргаш палвон» фермер хўжалигидаги мавжуд 175 бош қорамолни 50 бошидан олинган қон суртмасининг 18 тасида тейлериалар (36%) ва 14 тасида пироплазмалар (28%), Қумқўрғон туман «Ҳожи бобо» фермер хўжалиги

мавжуд 220 бош қорамолдан 12 таси (24%) тейлериялар билан зарарланганлиги аниқланган.

Шунингдек, Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туман қир-адир шароитли иссиқ ва қуруқ иқлимли ҳудудларида 24% гача қорамоллар тейлериоз, Ангор туман суғориладиган ҳудудларида 16% гача тейлериоз ва 14% гача пироплазмоз, Термиз туманининг яйлов ҳудудларида 36% гача тейлериоз, 28% гача пироплазмоз, Қумқўрғон туман суғориладиган ҳудудларида 24% гача тейлериоз билан зарарланганлиги аниқланган.

Қорамолларнинг пироплазмидоз касалликларини тарқатувчи каналар фаунасини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра Ангор ва Термиз туман хўжаликларидаги қорамоллардан терилган каналарнинг 35-40% пироплазмозни тарқатувчи *Boophilus calcaratus* каналари ва 60-65% тейлериозни тарқатувчи *Hyalomma anatolicum* каналари тарқалганлиги, Шўрчи ва Қумқўрғон туман хўжаликларида 90% *H.anatolicum* ва 10% *H.detritum* каналари тарқалганлиги аниқланган (2 жадвал).

2-жадвал


Касаллик тарқатувчи каналарнинг фаунаси

Т.р	Хўжалик	Текширилган қорамол сони	Терилган каналар сони	Шундан		
				<i>B.calcaratus</i> %	<i>H.anatolicum</i> %	<i>H.detritum</i> %
1	«Ободон» фермер хўжалиги	620	120	-	90	10
2	«Орзу» фермер хўжалиги	110	70	35	65	-
3	«Эргаш палвон» фермер хўжалиги	175	72	40	60	-
4	«Хожи бобо» фермер хўжалиги	220	40	-	90	10
Жами:		1125	302	-	-	-

Тадқиқотлар натижасида *Hyalomma anatolicum* ҳамда *Hyalomma detritum* каналари тарқалганлиги сабабли тейлериоз намоён бўлганлиги ва ниҳоят ушбу ҳудудларда *Boophilus calcaratus* каналари тарқалмаганлиги сабабли пироплазмоз намоён бўлмаганлиги исботланди.

Тадқиқотлар натижасида пироплазмознинг илк даражадаги юқори ҳолати апрел ойига (53%) тўғри келса энг юқори даражадаги иккинчи ҳолати август ойига (65%) тўғри келиши ва тейлериознинг илк даражада юқори ҳолати июн

ойига (55%) тўғри келса, иккинчи даражадаги юқори ҳолати эса июл ойига (75%) тўғри келиши аниқланган (2-расм).



2-расм. Пироплазмидозларнинг келиб чиқиш мавсумий динамикаси

Диссертациянинг «Қорамоллар пироплазмидозларини даволаш» деб номланган учинчи боби тўққизта банддан иборат бўлиб, биринчи банди “Диамидин препаратини ишлаб чиқиш ва қон шаклли элементларига таъсирини ўрганиш” деб номланган бўлиб, бунда Ўзбекистон Миллий Университети Кимё факультети олимлари томонидан илк бор диамидин препарати синтез қилинган ва препаратнинг соғлом қорамолнинг қон шаклли элементларига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Диамидин – 3,3 бис (имидазолинил-2-ил), карбамид дигидрохлорид илк бор маҳаллий шароитда синтез қилинган бўлиб, оқ-сарғиш кристаллик кукун, сувда (+37 + 40⁰C) енгил эрийди. Диамидин антипротозой хусусиятга эга бўлиб, паразитларни деформацияга учратган ҳолда уларнинг ҳаёти учун зарур бўлган тўйимли моддалар ташилишини ва паразитлар учун зарур бўлган субстрат ва ферментларни, ҳамда ДНК синтезини бузиш хусусиятига эга. Шу хусусиятлари препаратнинг антипротозой препаратларга мансуб эканлигидан далолат беради.

Диамидин синтези қуйидаги босқичлар орқали амалга оширилган:

1. М-нитробензой кислотаси ва унинг этил эфирининг этилендиамин билан реакцияси этиленгликоль эритмасида КУ-2 катализатори иштирокида олиб борилган ва м-тетробензой кислотаси билан ўтказилган реакцияда 80%, кислотанинг этил эфири билан ўтказилган реакцияда эса 88% унум билан 2- (3-нитрофенил) имидазолин олинган.

2. Кейинги босқичда синтез қилиб олинган 2- (3-нитрофенил) имидазолинни қайтариб, 80-84% унум билан 2-(3-аминофенил) имидазолин синтез қилинган.

3. 2-(3-аминофенил) имидазолин ва мочевинонинг конденсация реакциясидан 85% унум билан 3,3-бис (имидазолин-2-ил) карбамид дигидрохлориди – диамидин препарати олинган.

Шуни таъкидлаш керакки, диамидинни синтез қилишдаги бошланғич модалар маҳаллий хом ашёлар асосида олинган, яъни Чирчиқ «Электрохимпром» бирлашмаси капралактам ишлаб чиқаришда толуолни оксидлаш босқичида ҳосил бўладиган чиқиндидан бензой кислотаси ва ундан этил бензоат олинган. Олинган этил бензоатдан диамидин синтези учун асосий бошланғич этил м-нитробензоат эфири олинган

Шу бобнинг иккинчи банди “Диамидин препаратининг пироплазмидозларни даволашдаги самарадорлиги” деб номланиб, қорамоллар пироплазмозини даволашдаги самарадорлигини ўрганиш бўйича экспериментал тажрибалар 9 бош 18-22 ойлик қизил чўл зотли қорамолларда, бабезиозни даволашдаги самарадорлигини ўрганиш бўйича экспериментал тажрибалар эса 9 бош 10-12 ойлик қизил чўл зотли қорамолларда, тейлериозни даволашдаги самарадорлигини ўрганиш бўйича экспериментал тажрибалар 6 бош 18-20 ойлик қизил чўл зотли қорамолларда олиб борилди. Тажрибадаги қорамоллар пироплазмоз, бабезиоз ва тейлериоз билан спонтан касалланган қорамолдан олинган қон билан тери остига 10 мл дан юбориб юктирилди. Тажрибадаги қорамолларда ҳар куни клиник ва паразитологик текширишлар олиб борилди.

Шундай қилиб, пироплазмозни даволашда қўлланилган 1 мг/кг миқдордаги диамидиннинг самарадорлиги етарли даражада бўлмаслиги ва 2 мг/кг миқдорида қўлланилганда самарадорлиги етарли даражада бўлиши, бабезиозни даволашда эса 2 мг/кг миқдорида қўлланилган диамидиннинг самарадорлиги қониқарли даражада бўлмаслиги, 3 мг/кг миқдорида қўлланилган диамидиннинг самарадорлиги етарли даражада бўлиши кузатилди, аммо тейлериозни даволашда 3-4 мг/кг миқдорида қўлланилган диамидиннинг самарадорлиги қониқарсиз даражада бўлиши аниқланди.

Шу бобнинг учинчи банди «Пироплазмозни даволашда Butachem ва teyleks препаратларининг самарадорлиги» деб номланган бўлиб, бунда қорамоллар пироплазмозини даволашда butachem ва teyleks препаратларининг самарадорлигини ўрганиш бўйича тажрибалар ҳар бир гуруҳда 3 бошдан 3 гуруҳ қорамолларда олиб борилди. Тажрибадаги қорамоллар пироплазмоз билан спонтан касалланган қорамолдан олинган қон билан тери остига 10 мл дан юбориб юктирилди. Тажрибадаги қорамолларда ҳар куни клиник ва паразитологик текширишлар олиб борилди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида юктиришдан кейинги 7-8 кунлари ҳар учала гуруҳ қорамолларида ҳам тана ҳароратининг ўртача 40,6 - 40,7⁰С гача кўтарилиши, гемоглобинурия ва паразитемия ҳолатининг юз бериши кузатилди. Шундан сўнг 1-гуруҳ қорамолларининг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 5,0 мл дан butachem, 2-гуруҳ қорамолларининг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига эса 5,0 мл дан teyleks препаратлари мушак орасига қўлланилди. 3-назорат гуруҳидаги қорамолларга препаратлар қўлланилмади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида препарат қўлланилгандан сўнг иккинчи куни 1 ва 2-гуруҳ қорамолларининг умумий аҳволи қисман яхшиланди, тана ҳарорати ўртача 40,2-40,4⁰С га тушди ва периферик қон томирларидан олинган қон суртмаларида паразитлар 1-1,5 баробаргача камайди. Шу билан бир вақтда назоратдаги 3-гуруҳ ҳайвонларида пироплазмознинг клиник белгилари ривожланиб, паразитар реакцияси ошиб бориши қайд қилинди.

Тажрибалар натижасида пироплазмозни даволашда қорамолнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 5 мл дан қўлланилган butachem ёки teyleks препаратларининг самарадорлиги етарли даражада бўлмаслиги аниқланди.

Пироплазмозни даволашда қорамолнинг ҳар 100 кг тирик вазнига 5 мл дан қўлланилган butachem ёки teyleks препаратларининг самарадорлиги етарли даражада бўлмаганлиги сабабли кейинги тажрибаларимиз қорамолнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига қунаро икки марта 5 мл дан butachem ёки teyleks препаратларидан қорамол мушаги орасига қўллашнинг самарадорлигини аниқлашга қаратилди.

Тадқиқотлар натижасида қунаро 2 марта butachem препарати билан қорамолнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 5 мл дан қўлланилган 1 гуруҳ, ҳамда шу тартибда teyleks препарати билан даволанган 2-гуруҳ қорамолларида даволашдан кейинги иккинчи куни қорамолларнинг умумий аҳволи яхшиланди ва паразитар реакцияси кузатилмади.

Шундай қилиб, қорамоллар пироплазмозини даволашда қорамолнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига қунаро 2 марта 5,0 мл дан қўлланилган butachem ёки teyleks препаратларининг самарадорлиги етарли даражада бўлиши аниқланди.

Шу бобнинг тўртинчи банди “Пироплазмоз ва бабезиозни даволашда имидол препаратининг самарадорлиги” деб номланиб, бунда Саудия Арабистонида ишлаб чиқарилган ва юртимизга илк бор олиб келинган ва рўйхатга олинган имидол препаратининг пироплазмоз ва бабезиозни даволашдаги самарадорлиги аниқланган. Тадқиқотлар натижасида имидол препарати пироплазмозни даволашда қорамолнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 1,0 мл дан қўлланилганда самараси паст, аммо 2-3 мл дан қўлланилганда самарадорлиги юқори даражада бўлиши, бабезиозни даволашда эса қорамолнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 2,0 мл дан қўлланилган имидол препаратининг самараси йўқлиги, аммо 3-4 мл дан қўлланилганда препаратнинг самарадорлиги юқори даражада бўлиши аниқланди.

Шу бобнинг бешинчи банди «ТХГ ва Пегангидрохлорид препаратларининг пироплазмозни даволашдаги самарадорлигини ўрганиш» деб номланиб, бунда Ўсимлик моддалари кимёси институтининг бўлим мудири, профессор Х.Ш.Шоҳидоятлов томонидан илк бор синтез қилинган ТХГ - триметилбензпиридин-гидрохлорид (аччиқ таъмлиқ оқ қуқун, эриш ҳарорати 240-242⁰С) ва Пегангидрохлорид - 4-гидрокси – триметилбензпиримидин гидрохлорид (тахир таъмлиқ оқ қуқун, эриш ҳарорати 251-252⁰С) препаратларининг қорамолларнинг пироплазмоз касаллигини даволашдаги

самарадорлигини ўрганиш тавсия этилган. Натижада экспериментал шароида юктирилган қорамолларни пироплазмоздан даволашда Ўсимлик моддалари кимёси институтида илк ишлаб чиқарилган - триметиленбензпиридин – гидрохлорид (тхг) препаратидан қорамолнинг 100 кг тирик вазнига 3,0 граммгача (30 мл) ва Пегангидрохлорид препаратидан 0,64 грамм (15 мл) миқдорида тери остига қўлланилган миқдорларининг самарадорлиги йўқлиги аниқланди.

Шу бобнинг олтинчи банди «Тейлериозни даволашда тейлерсан препаратининг самарадорлиги» деб номланиб, бунда қорамоллар тейлериозини даволашда Украина Давлатининг ООО «Бровафарма» компанияси томонидан ишлаб чиқилган тейлерсан препаратининг самарадорлигини ўрганиш бўйича тажрибалар ҳар гуруҳда 3 бошдан 3 гуруҳ қорамолларида олиб борилди. Тажрибадаги қорамоллар тейлериоз билан спонтан касалланган қорамолдан олинган қон билан териси остига 10 мл дан юбориб юктирилди. Тажрибадаги қорамолларда тейлериознинг клиник белгилари ва қонда паразитар ҳолат намоён бўлгач 1-гуруҳ қорамолларининг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 5,0 мл дан ва 2-гуруҳ қорамолларининг эса ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига кунаро 2 марта 5,0 мл дан тейлерсан препарати қорамол мушаги орасига юбориб даволанди, 3-гуруҳ қорамоллари назорат сифатида қолдирилди ва препарат қўлланилмади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида препарат қўлланилгандан сўнг иккинчи куни 1-гуруҳ қорамолларининг умумий аҳволи қисман яхшиланди, яъни тана ҳароратининг ўртача 0,7-1,0⁰С гача пасайиши, умумий аҳволининг қисман яхшиланиши, периферик қон томирларидан олинган қон суртмаларида тейлерияларнинг 2 мартагача камайганлиги кузатилди, кунаро 2 марта тейлерсан препарати қўлланилган 2-гуруҳ қорамолларининг умумий аҳволи даволашдан кейинги кунлари яхшиланди, тана ҳарорати физиологик ҳолатга келди, периферик қон томирларидан олинган қон суртмаларида эритроцитларнинг тейлериялар билан зарарланиши 3-4 баробаргача камайганлиги кузатилди. Шу билан бир вақтда назоратдаги 3-гуруҳ қорамолларида тейлериознинг клиник белгилари ривожланиб, паразитар реакцияси ошиб борди.

Қорамоллар тейлериозини даволашда 5,0 мл дан қўлланилган тейлерсан препаратининг самарадорлиги паст, кунаро 2 марта ушбу миқдорда қўлланилганда эса самарадорлиги юқори даражада бўлиши аниқланди.

Тейлериоз билан спонтан касалланган қорамолларни даволаш ишлари Ангор туман «Орзу» фермер хўжалигида 12 бош (8 бош *енгил* ва 4 бош *огир* даражада касалланган) ва Шўрчи туман «Ободон» фермер хўжалигидаги 9 бош (6 бош *енгил* ва 3 бош *огир* ҳолда касалланган қорамолларда), ҳамда Термиз туман «Эргаш Палвон» фермер хўжалигидаги 8 бош (5 бош *енгил* ва 3 бош *огир* ҳолда) касалланган қорамолларда олиб борилди.

Клиник белгилари ва паразитар реакцияси намоён бўлган қорамоллар асосий подадан ажратилди ва улар *енгил* хазм бўладиган кўк ўт, омукта емдан тайёрланган атала, айрон ва сут билан таъминланди. Шундан сўнг барча тажриба гуруҳидаги қорамолларнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига

тейлерсан препарати 5,0 мл дан кунаро 2 марта мускул орасига юбориб даволанди (3-жадвал).

3-жадвал

Тейлериоз билан спонтан касалланган қорамолларни даволашда тейлерсан препаратининг самарадорлиги

Хў-жалик	Бош сони	Касалликнинг кечиши	Даволаш усули	Н а т и ж а	Самара (%)
Орзу фермер хўжалиги.	8	<i>Енгил</i>	кунаро 2 марта 5,0 мл дан, мушак орасига	Умумий аҳволи яхшиланди, паразитар реакцияси 3-4 баробаргача камайди.	100
	4	<i>Оғир</i>	кунаро 2 марта 5,0 мл дан, мушак орасига	2 бош қорамол соғайди, 2 бош мажбурий сўйилди	50
Ободон фермер хўжалиг	6	<i>Енгил</i>	кунаро 2 марта 5,0 мл дан, мушак орасига	Умумий аҳволи яхшиланди, паразитар реакцияси 3-4 баробаргача камайди.	100
	3	<i>Оғир</i>	кунаро 2 марта 5,0 мл дан, мушак орасига	2 бош қорамол соғайди, 1 бош мажбурий сўйилди	66
Эргаш Полвон фермер хўжалиг	5	<i>Енгил</i>	кунаро 2 марта 5,0 мл дан, мушак орасига	Умумий аҳволи яхшиланди, паразитар реакцияси 2-3 баробаргача камайди	100
	3	<i>Оғир</i>	кунаро 2 марта 5,0 мл дан, мушак орасига	1 бош қорамол соғайди, 2 бош мажбурий сўйилди	33

Шундай қилиб, *енгил* кечимда касалланган қорамолларнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига кунаро 2 марта 5,0 мл дан тейлерсан препарати билан даволашдан олинган самарадорлик юқори бўлиши, касаллик *оғир* ҳолатда кечган ҳайвонларни даволашда эса самарадорлик нисбатан паст (50%) бўлиши аниқланди.

Шу бобнинг еттинчи банди «Қорамоллар пироплазмозини даволашда диминазиннинг витамин В₁₂ билан бойитилган комплекс препаратининг самарадорлиги» деб номланиб, бу бандда Хитой Давлатининг *Veyong* фирмаси томонидан ишлаб чиқилган диминазиннинг витамин В₁₂ билан бойитилган комплекс препаратининг пироплазмозни даволашдаги самарадорлигини ўрганиш бўйича тажрибалар ҳар гуруҳда 3 бошдан 4 гуруҳ қорамолларда олиб борилди. Тўртала тажриба гуруҳи қорамоллари пироплазмоз билан касалланган қорамолдан олинган қон билан териси остига 10 мл дан юбориб юктирилди.

Касаллик юктирилган қорамолларда пироплазмознинг клиник белгилари ва қонда паразитар реакцияси намоён бўлгач, 1-гурух қорамолларининг 1 кг тирик вазни ҳисобига 3,5 мг/кг, 2-гурухига 5,0 мг/кг, 3-гурухига 7,0 мг/кг дан диминазиннинг витамин В₁₂ билан бойитилган комплекс препаратини қорамол мушаги орасига қўлланилиб даволанди, 4-гурух қорамоллари назорат сифатида қолдирилди ва препарат юборилмади.

Клиник ва паразитологик текширишлар натижасида диминазиннинг витамин В₁₂ билан бойитилган комплекс препарати 3,5 ва 5,0 мг/кг миқдорида қорамоллар пироплазмозини (*Piroplasma bigemina*) даволашдаги самарадорлиги йўқлиги, 7,0 мг/кг дан қўлланилганда эса самарадорлиги етарли даражада эканлиги аниқланди.

Диминазинни витамин В₁₂ билан бойитилган препаратининг пироплазмоз билан спонтан касалланган қорамолларни даволашдаги самарадорлигини ўрганиш бўйича тажрибалар 2020 йилнинг май ойида Сурхондарё вилоятининг Ангор туман «Орзу» фермер хўжалигида спонтан пироплазмоз билан касалланган 7 бош қорамолларда олиб борилди. Касалланган қорамолларнинг ҳар 1 кг тирик вазни ҳисобига 7,0 мг дан мушаги орасига диминазиннинг витамин В₁₂ билан бойитилган комплекс препарати қўлланилди. Препарат қўлланилган қорамолларда даволашдан кейинги иккинчи куни қорамолларда умумий ҳолатнинг яхшиланиши, тана ҳароратининг меъёрлашуви ва периферик қон томирларидан олинган қон суртмаларида паразитар реакциянинг кузатилмаганлиги аниқланди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида пироплазмоз билан спонтан касалланган қорамолларни даволашда 7,0 мг/кг миқдорида қўлланилган диминазиннинг витамин В₁₂ билан бойитилган комплекс препаратининг самарадорлиги юқори даражада бўлиши аниқланди.

Мазкур бобнинг саккизинчи банди «Қорамоллар тейлериозини даволашда диминазиннинг витамин В₁₂ билан бойитилган комплекс препаратининг самарадорлиги» деб номланиб, бу бандда қорамоллар тейлериозини (*Theileria annulata*) даволашда диминазиннинг витамин В₁₂ билан бойитилган комплекс препаратининг самарадорлигини ўрганиш бўйича тажрибалар ҳар гуруҳда 3 бошдан 4 гуруҳ қорамолларда олиб борилди.

Тажрибадаги қорамоллар тейлериоз билан спонтан касалланган қорамолдан олинган қон билан 10 мл дан териси остига юбориб юктирилди. Касалликнинг клиник белгилари ва қонда паразитар реакция намоён бўлгач, 1-гурухи 3,5 мг/кг, 2-гурухи 5,0 мг/кг, 3-гурухи 7,0 мг/кг миқдорида мушаги орасига диминазиннинг витамин В₁₂ билан бойитилган комплекс препарати қўлланилиб даволанди. Назоратдаги 4-гурух қорамолларига препарат қўлланилмади.

